

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним! ИСТИҚЛОЛНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНINI БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



Базаров Абдимурат



Маматкулов Шукуржон



Низамходжаев Зайниддин Махаматович

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон – "Олтин юлдуз" медали топширилсин:

Базаров Абдимурат – Қамаш туманидаги "Бозор ўғли Абди" фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Маматкулов Шукуржон – Олтинкўл иқтисодий коллежи директори, Андижон вилояти

Низамходжаев Зайниддин Махаматович – Академик В. Воҳидов номидаги Республика иқтисодлаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудири

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, ёшларимизни улуг аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри "Амир Темури" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2014 йил 22 август.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йил 22 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий гоёни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун юртдошларимизнинг бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди. Мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланганлар орасида вилоятимиздан куйидагилар бор:

Бобобекова Юлдуз – Юқори Чирчиқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Боймуродов Ашуркул – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Сатторов Қаҳрамон Ҳуққобоевич – Ангрен ахборот технологиялари ва санъат касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

Тошкент Давлат аграр университетида инновацион ишланмалар ва илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида вилоят ҳудудий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги қатор институт ва вилоятдаги илғор фермер хўжалиги вакиллари иштирок этган кўргазмали семинарда соҳада яратилган янги илмий ишланмалар намойиш этилди.

– Университетнинг кичик тажриба станциясида етиштирилган мева-сабзавотлар билан иштирок этаямиз, – дейди мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси ассистенти Зафарали Абдиев. – Мана бу помидорнинг Рашида С1 дургайининг ҳар тупидан 7-8 килограмдан ҳосил олиш мумкин. Эйтиборлиси, у кокос қипиғига экилиб, тупроқ таркибидаги турли касалликларга чалинмайди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига университет қошида ташкил этилган ахборот-маслаҳат маркази ҳамда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини амалга оширувчи порталдан фойдаланишга тавсиялар берилди.

Аваз БЕКОВ. Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.



Музейга ташриф

БУРЧНИ АНГЛАМОҚ ДАРСИ

Шукри, юртимиз тинч, осмонимиз мусоффо, ҳаётимиз осуда. Истиқлол бизга ҳаёда этган энг катта неъмат ушбу хотиржамлик десак, муболага бўлмайди. Зеро, мустақиллик ўзлигимизни англашга, ўз кучимизга иш-

ниб олға одимлашга ўргатади. Ўтган даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳада улкан ютуқларга эришилди. Юртимиздаги жадал тараққиёт жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.



Ҳадемай, мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйини нишонлаймиз. Шу муносабат билан Куролли Кучлар давлат музейида тадбир уюштирилди.

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида ўтган тадбирда ҳарбий хизматчилар, олимлар, санъаткорлар иштирок этилди.

– Маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш хизматчиларини Ватанини севишга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатади, – деди Н ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Акбар Ерматов. – Бундан ташқари, улар ўз бурчларига садоқатни янада чуқурроқ ҳис этадилар.

Ирода МАКСУД қизи. Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Маънавият

Дунёга янги келган гўдак "она", "ота" сўзлари билан тил чиқаради. Шунингдек, ака, опа, тоға, амма, амаки каби сўзлар қаторида "Ватан" сўзи ҳам қулоғига қуйиб борилади ва тезда унинг лугат бойлигига қўшилади.

ЎЗИНГДАН АЙЛАНАЙ, ЮРТИМ!

Табиики, гўдак Ватан деганда туғилиб ўсган гўшасини тушунади. Бу тўғри ҳам. Киндик қони тўкилган жой унинг илк Ватани. Фурсат ўтиб, гўдак улгайиши баробарида унда Ватан тушунчаси ҳам ўзгариб, тўғрироғи кенгай боради. У секин-аста маҳалла қўйи, шаҳар ёки қишлоғини, кейинчалик эса буларнинг барчасини ўз бағрига олган улкан мамлакатни том маънодаги Ватани эканини тушуниб етди.

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

Паркент ҳақида гап кетганда, аввало, кўз олдимизга унинг бетакрор табияти, хушманзара ва баҳаво масканлари, тил ёрар асали-ю, етти икклимга донги кетган узуми келади. Қир-адирларда ястаниб ётган ямшил бог-роғлари намоеъ бўлади.

КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Айни пайтда Паркент омил-кор деҳқонлари, ишнинг кўзини биладиган тадбиркорлари билан ҳам машхур.

Бугунги кунда кичик бизнес шакли кичик бўлса-да, Президентимиз раҳнамолигида қаратилган алоҳида эътибор туфайли иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқ фаровонлигини юксалтиришда тобора катта аҳамият касб этмоқда. Буни яхши билган туман мутасаддилари мазкур соҳа ривожини йўлида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётир.

Дастлаб ахборот-маслаҳат маркази, риэлторлик, бухгалтерия хужжатларини юритиш бўйича тадбиркорларга кўмаклашувчи корхоналар фаолияти такомиллаштирилди. Адвокатлик бюрolari, брокерлик идоралари, тижорат банкларининг филиаллари-ю сугурта компанияларининг бўлимлари мижозларга тез, қулай ва ишончли хизмат кўрсатиб, соҳа ривожлана бошлади.

(Давоми 2-бетда).

«Энг улуг, энг азиз» кўрик-танлови

ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Республика Миллий матбуот марказида давлати раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига кўра ташкил этилган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови голиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт, маданият ва санъат намоёндалари, маънавий тарғиботчилари, журналистлар иштирок этган тадбирда таъкидландики, ҳаётимизнинг тинч ва осудалиги, Ватанимизнинг ҳамма жаҳаларда эришган ютуқлари, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллагани энг улуг ва азиз қадрият – истиқлол билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик доирасида Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Бадий академия, "Тасвирий ойна" уюшмаси

ташкил этган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови нихоисига етди. Танловга адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича 400 га яқин ижодкор "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган эзгу гоёни ўзида ифода этган қарийб 5 минг ижодий ишни тақдим этди.

Танлов якунида турли йўналишлар бўйича голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Шуниси қувонарлики, танлов совриндорлари қаторида "Тошкент ҳақиқати" газетаси муҳбири Хуршида Турсунбоева ҳам бор. Ҳамкасбимизни мазкур ижодий эътироф билан қўлайимиз! **Қобилжон ҒОҒУРОВ** олган сурат.



